

## ФРАЗЕОЛОГИК МАЪНОНИНГ КОНВЕНЦИАЛЛИГИ

**Ф. М. Иногамова**

ЎзМУ Ўзбекистон Миллий университети Француз филологияси кафедраси  
катта ўқитувчиси  
[fazilatinogamova29@gmail.com](mailto:fazilatinogamova29@gmail.com)

**Н. Э. Яхшибоева**

Ўзбекистон Миллий университети Француз филологияси кафедраси  
ўқитувчиси  
[Nodira.1001@mail.ru](mailto:Nodira.1001@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада идиомалар, фразеологик маънонинг конвенционаллиги ва конвенционаллик муаммоси, луғатда фразеологик бирликнинг узурал маъноси ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Идиома, конвенционаллик, иллокутив маъно, нутқий акт, концепт, интерсубъектив, феноменология

### ABSTRACT

This article discusses the idioms of conventional phraseological meaning and the problems of conventionality and the usual meaning of phraseological units in phraseological dictionaries.

**Keywords:** phraseological unit, conventionality, illocutionary meaning, speech act, concept, intersubjectivity, phenomenology.

### КИРИШ

Маълумки, шу кунга қадар ўрганилган барча фразеографик луғатларнинг муаллифлари бир овоздан фразеологик маънонинг конвенционаллигини турғун сўз бирикмаларини идиомалар деб таснифладилар ва луғатларга киритишнинг етакчи мезони сифатида ажратиб кўрсатдилар. Шу боис анъанавийлик, яъни конвенционаллик муаммосига батафсил тўхталишга қарор қилдик.

Ўз хоҳиш-истагини билвосита ифодалаш жараёнида сўзловчининг билвосита нутқий актни лисоний жихатдан тўғри шакллантириши муҳим роль ўйнайди. Билвосита нутқий

актлар конвенционал ва ноконвенционал гуруҳларга бўлинади.

Конвенционал нутқий актлар деб сўзловчи томонидан шубҳасиз бир бутун семантик-грамматик бирлик сифатида қабул қилинадиган лисоний бирликларга айтилади. Конвенционал нутқий актлар бир томондан фразеологизмларга ўхшаб кетади, аммо фразеологизмлар уларга бириктирилган аниқ маънога эгадир.

Конвенционаллик – Льюис тушунчасига кўра, - бу “лингвистик мунтазамлик, қўлланилиш вазияти ва ушбу мунтазамликни мазкур ҳолатда бошқа қандайдир аниқ ва енгиб бўлмас сабабдан кўра, умумий ягона фикрга таяниб, имплицит яъни ифодаланмаган равишда қабул қилган жамият орасидаги муносабат” деб атайди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Э.Холенштайннинг таъкидлашича, конвенционаллик тилнинг феноменологик жиҳатдан интерсубъективлиги каби тушунча билан ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлиб, ҳар қайси тил феномени фақат интерсубъективлик асосидаги ўзаро алоқа воситаси белгиси ҳисобланади. Феноменологияда интерсубъектив мурожаатларнинг икки қатламига ажралади. “Мурожаатнинг биринчи қатлами бошқа, потенциал субъектларга йўналтирилади, менга уларга буюм ҳақидаги ўз шахсий тушунчамни етказаман. Иккинчи қатлам асл субъектлардан иборат бўлиб,– мендан олдин нарсаларга янги хусусият берган ва белгилаш, алоқа воситаси бўлиш; мен учун бу хусусият субъектлараро ва анъанавий мақомга эга”.

Фразеологик маънонинг конвенционалиги интерпретациянинг герменевтик талқин доираси билан боғлиқ: бўлинмадан умумийгача ва кейин яна ўзига ҳосликка, зеро бўлинма, ёки қўллашнинг яқка ҳоли, идиоманинг пайдо бўлиш даври ҳисобланади, сўнгра янги маънода фойдаланиш орқали яна бўлинма сифатида янги контекстда қўлланилади. Шу тарика, интерпретация бу-конвенция ва нотик ўртасидаги диалогдир.

Луғат – идиоманинг конвенционал мақомини маҳкамлаш услубидир. У интерсубъектив англашнинг чегараларини белгилаб беради, яъни луғатдан фойдаланаётганларнинг нисбатидаги англаш бўлиб, мазкур фойдаланувчиларда ўзининг интенционал чегараси бўлади. Бошқа сўзлар билан айтганда, конвенция ёки Х.Г.Гадамер наздидаги маъно бўйича анъана чегараларнинг кўшилиб кетишини таъминлайди. Фойдаланувчида дунёга нисбатан ҳар доим ўз “таассублари”

бўлади. Бу таассублар конвенционал ёки анъанавий жиҳатдан асосланган бўлиб, Х.Г.Гадамер фикрига кўра “биз ҳеч қачон тўлақонли новатор эмасмиз, бироқ ҳар доим, энг аввало меросхўрлармиз”.

Сўзда ҳосила маънонинг юзага келиши лексик маъно денотатининг объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ва белги кабилар билан муносабатига кўра содир бўлади. У тил доирасида ҳам, нутқ доирасида ҳам кузатилади. Лекин улар купгина ишларда адаштирилади. Уларни фарқлаб бериш ҳатто дарсликларда ҳам учрамайди. Тўғри, тил доирасида ҳам юзага келган, нутқ доирасида ҳам юзага келган ҳосила маъноларнинг ҳар қандай лексик маъно деб қаралади. Чунки улар маъноси асосида тушунча ётади. Лексик маъно тушунча ифодаланиши билан характерланади. Лекин унинг ҳар икки сатҳга оидлари ажратилиб, тилда таҳлилга тортиш илмийлик учун қулайлик яратади. Шунинг учун ҳам уни Г. Паул тадқиқотларидан бошлаб узул маъно, окказионал маъноларга ажратиб ўрганилади. Узул ва окказионал маънолар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар нутқдан ташқарида ифодаланиши билан боғлиқ. Бу хусусиятларга бирма-бир тўхташга тўғри келади.

## НАТИЖАЛАР

Луғатда фразеологик бирликнинг узул маъноси, унинг инварианти маҳкамланади, яъни маданий феномен сифатидаги идиомага тегишли маъноси назарда тутилмоқда, бу феномен жамият томонидан конвенция асосида қабул қилинган ва тарихий ва ижтимоий вазиятлар туфайли унинг қўлланилиш контекстларида белгиланган. Бугунги кунда узул маъно “тил жамияти қўллайдиган жамоавий малака” сифатида таърифланади. Шу тариқа, луғат муаллифлари идиомаларнинг реал функция бажараётган контекстларни таҳлил қилар эканлар, уларнинг фикрича, энг хос ва кўп учраш мезонлари асосида идиомаларнинг маъноларини чиқариб оладилар. Натижада, фразеологик маълумотноманинг асосий функцияларидан бири – фразеологик бирликларнинг меъёрий маъноси ва қўлланилиш фиксацияси функциясини амалга оширадилар.

Идиоматик маъноларнинг конвенционаллиги, ёки, бир қатор муаллифлар терминологиясидаги, институционаллиги идиоматик луғатлар лингвистлари ва тузувчилари томонидан сўз бирикмасини фразеологик бирлик тоифаси киритишнинг мезонларидан бири сифатида олинган. Шунини айтиш керакки, “идиоматик маънонинг институционаллиги” термини “дискурс институционаллиги” терминидан биров фарқланади. Дискурс институционаллиги термини

В.И.Карасиков фикрига кўра, “мақом-ўрин муносабатлари доирасидаги мулоқот...институционал дискурс иккита тизимга солувчи аломатлар асосида ажратилади: мулоқот мақсадлари ва иштирокчилари...”. Идиоматик маънонинг институционаллиги тил соҳиблари томонидан таниладиган маълум маънонинг тилга оид ҳамжамияти доирасидаги идиомага бириктирилганлиги сифатида қабул қилинади.

Шу тариқа, А. Маккай таъкидлашича, “идиомалар институционал-маданий-прагматик маънолар билан ўзаро боғланади” дейди. Муаллиф институционалликни идиоматикликни ўрнатиш учун мезон сифатида ажратади. Ч.Фернандо идиомаларнинг конвенционаллигини уларнинг тил ҳамжамиятида кенг қўлланилиши билан боғлайди ва конвенционалликни идиоманинг лингвистик эмас, социолингвистик хоссаси сифатида кўриб чиқади.

Шу тариқа, юқорида эслатилган олимлар фразеологик маънонинг конвенционаллигини, ёки институционаллигини социолингвистик, маданий асосли феномен сифатида қараш фикрини олға сурадилар.

## МУҲОКАМА

Идиоматик маънонинг конвенционаллиги шунингдек, у ёки бу идиомани қўллаш учун хос бўлган прагматик вазияти, идиоманинг тил соҳиблари жамоавий хотирасида иштирокчилар ва улар орасидаги муносабатдаги прототипик вазият орқали бирикканлиги билан ҳам асосланган бўлиб, конкрет эмоцияни ҳис этиш – мазкур вазият учун хос маълум фикрлари бор бўлган инсон қандай ҳис қилса, шундай ҳис этиш демакдир”. Конвенционаллик идиома учун унинг маълум концептга боғланганлиги ҳисобланади. Мисол учун, хавф идиомаси, ёлғон идиомаси ва ҳ. мавжуддир.

Ф.Еемерен ва Р.Гроотендорст тил конвенционаллигини тилнинг нисбийлиги тушунчаси билан боғлайдилар, агар тадқиқот марказида семантика ва синтактика бўлса, нисбийлик формал бўлиши ёки, агар лингвистиканинг прагматик соҳаси ўрганилаётган бўлса формал бўлмаган шакли бўлиши мумкин. Муаллифлар томонидан амалга ошириладиган бу каби чегараланиш атамалар функционал хусусиятларини кўриб чиқиш орқали, уларнинг иллокутив кучлари ва перлокутив самараси орқали бўлади. Бу муаллифларнинг талқинича, идиоматик маъноларнинг конвенционаллиги унинг луғатий аксида формал табиатга эга бўлиб, луғатга тушган идиомалар маълум даражада танилган ва симметрик контекстда қўлланилмоқда. Луғатдаги идиомаларнинг конвенционал

мақомнинг формал табиати ҳақида луғат мақоласининг тузилиш услубини ҳам инобатга олиш муҳим, бу ерда семантик ва синтактик ахборотнинг улуши прагматик ахборотдан устун келади.

Дж. Серль конвенцияни олдинги навбатга қўяди, ва айрим иллокутив вазиятларнинг амалга ошишига таъсир қилувчи шароитларнинг конвенционал табиати ҳақида айтади. Шу тариқа, олим интенционалликни иллокутив ҳаракат ва конвенционалликнинг етакчи параметрларидан бири сифатида қарши қўяди. Дж. Серлнинг бу зид қўйиши луғатга киритилган идиомаларнинг конвенционал мақоми ҳақида яна бир бор тасдиқлайди, негаки идиомаларнинг муаллифлик контекстлари, одатда, ассертив, камроқ директив иллокутив функцияга эга бўлади, уларнинг интенционаллиги ишонч «confiance», ёки хохиш «désire» каби аниқланади.

Идиома маъноси ва узус сақланишида, узус - тил узуси муайян ижтимоий жамоада қабул килинган ва кузатилаётган воқеликдаги фактлар билан аниқланувчи малакаларнинг жамидир, унинг тил ҳамжамиятидаги ўрнини инкор қилмай туриб, биз идиоматик маънонинг конвенционал мақомини фразеологик бирликнинг ҳоссасига боғлаш, ҳосил бўлган контекст билан алоқасини сақлаб қолиш, тўғрироқ айтганда дастлабки иллокуцияни яъни сўзловчи маъносининг прагматик компоненти, сўзловчининг коммуникатив мақсадини аксини сақлаб қолишга таянамиз. Бу каби ҳулосага келишга турли луғатлардаги таснифлар луғат тузувчиларининг тажрибасига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкинлиги сабаб бўлади, тасвири мисоллар худди ўша иллокутив функцияга эга бўлади. **Une parole d'évangile** идиомасини тасвирий мисолларида тўхталиб ўтамиз. **LES 1001 EXPRESSIONS PRÉFÉRÉES DES FRANÇAIS** уни қуйидагича шарҳлайди:

“Plusieurs voyageurs ont remarqué que dans le clergé grec, on ne trouvait guère de gens instruits que parmi les évêques. Je ne vous répéterai point tout ce que nous a débité le cénobite du mont Athos. Nos marins grecs croyaient tout ce qu'il disait comme parole d'évangile, et montraient un grand respect pour sa personne.”

Мазкур мулоҳаза ассертив иллокутив функцияга эга бўлади. Бироқ шундай контекстни кўриш мумкинки, кўпгина саёҳатчилар юнон руҳонийлари орасида епископлардан ташқари деярли ҳеч қандай билимдон одам топилмаганлигини таъкидладилар. Мен сизга Атос тоғидаги Кенобитнинг бизга айтганларини такрорламайман. Юнон денгизчиларимиз у айтган ҳамма нарсани хушхабар деб билишар ва унга катта ҳурмат кўрсатишарди. Шу тариқа, уни билвосита директив



сифатида кўриб чиқиш мумкин, бунда гапираётган инсон идиомани ўз иллокутив мақсадида қўллаб, ва вазиятга идиома белгилаган прототипик баҳолаш бериши керак.

Бу ибора кўпинча у айтган ҳамма нарса каби салбий шаклда қўлланилади. “Унинг ҳамма айтганларига ишонмаслик керак” деган, “хушхабар” маъноси назарда тутилмаган.

Аргументация нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган мулоҳаза баҳолаш-тавсия тезиси сифатида намоён бўлиши мумкин ёки аввал берилган тезисга далил сифатида берилиши мумкин. Умумий контекстдан ажралиб қолиш мазкур мулоҳаза дискурсга қандай ҳисса қўшишини аниқлаб беролмайди.

2) “Si vous voyez la chauve-souris tracer dans l’air des cercles nocturnes autour d’une maison, hâtez-vous d’en déloger. Car aussi vrai que parole d’évangile, un méchant doit y mettre le feu”. Таржимаси: “Агар кўршапалакнинг уй атрофидаги ҳавода тунги доираларни кузатиб бораётганини кўрсангиз, уни жойидан олиб ташлашга шошилиш. Хушхабар каби тўғри бўлгани учун, ёвуз одам уни ёқиши керак”. Келтирилган мисол асертив иллокутив функция билан тавсифланади яъни инкор этилмайдиган ҳақиқат маъносини англатади.

Масалан, “**Montrer patte blanche**” ибораси қўйидагича шарҳланади:

“Tu n’étais pas là, mon ami. On avait eu soin de mettre des factionnaires aux portes, de retirer les clés, si bien qu’on ne parvenait qu’à grandpeine dans la salle à moitié pleine, et que quiconque ne pouvait pas montrer patte blanche à la porte, était impitoyablement refusé”. Таржимаси: “Сиз у ерда йўқ эдингиз, дўстим. Эшикларга қўриқчиларни қўйиш, калитларни олиб ташлаш учун эҳтиёт бўлишди, шунда ярим тўла залга жуда қийинчилик билан етиб боришди ва эшик олдида ишончномаларини кўрсата олмаган ҳар бир кишига шафқатсизларча рад этишди.”

**Une parole d’évangile** фразеологик бирлигининг келтирилган тасвирий мисоллари шуни кўрсатадики, бу иборани қўллашга хос контекст ёки гапираётган инсон тинглаётганларни идиома билдираётган тушунчани бажаришга чақиради, ёки фикрни иллокутив директив функция билан тўлдириб, ҳаракат ҳақида гапириб беради. Сўнгги ҳолатда фикр асертив ҳисобланади. Фикрларнинг келтирилган суратлари оид умумий нуқтаси жамоавий интенционаликни устуворлигидир, бу ҳолат кўриб чиқилаётган фразеологик birlik жамоавий қизиқишлар шахсий қизиқишлардан устун келадиган контекстлардагина қўлланилиши ҳақида ҳулоса қилишга имкон яратади. Бирок

рационал структуравий пропозицияларнинг камчилиги аёндир, улар идиомаларнинг таклиф этилаётган тасвирий контекстларда қўлланилишини оклайди.

## ХУЛОСА

Демак, фразеологик бирликнинг конвенционал мақоми, энг аввало, идиоманинг иллокутив маъносига асосланади, ҳамда идиома икки томонлама иллокуцияга эга бўладиган фразеологияда ривожланади. Ушбу жараёнлар луғатларда ўз аксини топади ва тил сохиблари томонидан жамиятда пайдо бўлади. Маълум даражада иллокутив маънонинг фразеологизмларга таъсири ибораларнинг нутқда мустаҳкам ўрин олиши, ҳамда ифодаланиши белгили тавсифлар орқали намоён бўлади.

## REFERENCES

- 1.Холенштайн Э. Якобсон и Гуссерль / Э. Холенштайн // Логос. - 1996.- №7.-С. 7-37.
2. Целищев В.В. Философские проблемы семантики возможных миров / В.В. Целищев. - Новосибирск: Наука, Маккай 1972, Gibbs 1994, Fernando 19961977. - 191 с
- 3.Cowie A.P. The Treatment of Collocations and Idioms in Learners' Dictionaries / A.P. Cowie // Applied Linguistics. - 1981. - N 3. - P. 223-235.
- 4.Реформатский А.А. Введение в языковедение. Изд. 4ое, испр. - М.: Просвешение. 1967. С. 75.
5. Georges Planelles Les Éditions de l'Opportun 16, rue Dupetit-Thouars 75003 Paris